



# Халқ сўзи

Ўзбекистон –  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: info@xs.uz • 2012 йил 5 декабрь, № 236 (5656)

Чоршанба



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

5 декабрь куни Тошкент шаҳрида  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенатининг  
ўнинчи ялпи мажлиси очилади.

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда ишчи гуруҳ раҳбарининг бўлажак ялпи мажлиси ўтказишга тайёргарлик тўғрисидаги ахбороти тингланди.

Сенат кўмиталарининг раислари кўмиталар мажлисларининг ўтказилганлиги тўғрисида ва ўнинчи ялпи мажлис муҳокамасига киритилаётган қонунлар юзасидан хулосалар, бошқа масалалар юзасидан қарорлар лойиҳалари тайёрлиги ҳақида ахборот бердилар, мажлис ишини ташкил этиш юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

Кенгаш мажлисида таъкидланганидек, Сенатнинг бўлажак ялпи мажлисида 20 та масала, шу жумладан, 8 та қонун кўриб чиқиши мўлжалланмоқда.

Кенгаш мажлисида Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги Давлат бюджети ҳамда 2013 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури кўриб чиқиши ҳамда тасдиқлашнинг муҳимлиги кўрсатиб ўтилди.

Кенгаш аъзолари Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокамасига киритилаётган, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларини изчил ислоҳ қилиш ҳамда либераллаштириш, давлат бошқарувини такомиллаштиришга, шунингдек, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга оширишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси қонунларининг

аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги руҳсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»-ги, янги таҳрирдаги «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»-ги, «Хусусий банк ва молия институтлари ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»-ги, «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»-ги, «Сайлов эркинлиги янада таъминлаши ва сайлов қончилиги янада ривожлантирилиши муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2013 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги, шунингдек, солиқ ҳисоботини тақдим этиш даврийлиги қисқартирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги, «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2013 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги, шунингдек, солиқ ҳисоботини тақдим этиш даврийлиги қисқартирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, шунингдек, бошқа қонунлар шулар жумласидандир.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг таълиқ тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама қилинган барча масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенатининг  
Матбуот хизмати.

## Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш – устувор вазифа

Парламент юқори палатаси ялпи мажлисида мамлакатимиз иқтисодийётининг барқарор ва юқори ўсиш суръатлари билан тараққий этишига эришиш, суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини рўйбага чиқариш механизмларини такомиллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва жамият ҳаётининг бир қатор соҳаларини қамраб олган кўплаб масалалар муҳокама этилиши кўзда тутилмоқда.

### Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Кеча Сенат кўмиталарида ялпи мажлис кун тартибига киритилган масалалар дастлабки тарзда муҳокама этилди. Мухбиримиз кўмита йиғилишларида иштирок этган сенаторлар билан мулоқот қилиб, муҳокама қилиниши кутилаётган масалаларнинг мазмун-моҳияти билан қизиқди.

— Олий Мажлиси Сенатининг навбатдаги ялпи мажлиси мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганлиги йиғирма йиллиги арафасида бўлиб ўтаётганини алоҳида қайд этишни истардим, — дейди Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси аъзоси Д. Сидиков. — Бундан йиғирма йил муқаддам қабул қилинган Конституциямизда юртимиз келажагини, янгитдан барпо этилаётган давлатимизнинг сиёсий, иқтисодий, гуманитар ва маънавий қиёфасини белгилаш, унинг халқаро ҳамжамиятдаги ўрни ва нуфузини оширишга қаратилган ислохотларнинг пировард мақсади аниқ-равшан белгилаб берилган. Утган давр мобайнида жамият ҳаётининг барча жабҳалари айнан Конституция асосида бутунлай ислоҳ қилинди, давлат ва жамият институтлари шакллантирилди.

(Давоми 2-бетда).

## Баркамол авлод – юрт истиқболи

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 20 йиллиги муносабати билан турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган ёшлардан бир гуруҳи «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони билан тақдирланди.



Х. ПАЙДОВ  
олган сурат.

Ифтихор

Кеча «Туркистон» саройида ушбу юксак нишонни тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат арбоблари, вазирлик, идора ва муассасаларнинг мутасадди раҳбарлари, «Камолот» ЁИҲ етакчилари, шунингдек, талаба-ёшлар иштирок этди.

Президентимизнинг 2003 йил 4 августдаги Фармониغا биноан таъсис этилган ушбу муқофот билан шу кунгача илм-фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, санъат, журналистика, спорт, қишлоқ хўжалиги, кичик бизнес, ҳуқуқ ва ҳарбий соҳаларда ўқиёт-

ган, ишлаётган ҳамда илмий-ижодий фаолият билан шуғулланиб, юксак натижаларга эришаётган 347 нафар йигит-қиз тақдирланган бўлса, жорий йилда улар сони яна 35 нафарга кўпайди.

(Давоми 2-бетда).

### Фестиваль

Жиззахда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишлаб «Ватан тараққийтига менинг ҳиссам» шиори остида ёшлар фестивали ўтказилди.

### Иқтидор ва рағбат

Унда минглаб иқтидорли ёшлар қатнашди. Улар орасида фан олимпиадалари, кўрик-танловлар ва спорт мусобақалари боғлиқлари, тадбиркорлар, хунарманд ва фермерлар, ижодкор ва олимлар, жамоатчи фаоллар кўпчилиги ташкил этди.

— Фестивалнинг мақсади ва мазмун-моҳияти ҳам йигит-қизларнинг турли соҳаларда эришаётган ютуқларини эътироф этиш ва рағбатлантиришдан иборат, — дейди «Камолот» ЁИҲ Жиззах политехника институти бошланғич ташкилоти етакчиси Ориф Шуқуров. — Ташкилотимизнинг 2 мингга яқин аъзолари бор. Фестиваль доирасида улар орасидан саралаб олинган ёшлардан иборат гуруҳлар худудларда Конституция тарғиботи бағишланган кўплаб тадбирлар ўтказилди.

Фестиваль доирасида вилоят Маънавият тарғибот маркази биносидан ёш расм, хунарманд ва тадбиркорларнинг кўргазмаси ҳам бўлиб ўтди. Жиззах Олимпия захиралари коллежидан спортнинг 7 та тури бўйича уюштирилган мусобақаларда эса ёшлар ўз маҳоратларини синаб кўришди. Яқинда «Само» тантаналар мажмуасида фаол ёшларни тақдирлашга бағишланган байрам кечаси ўтказилди.

Тадбирда вилоят ҳокими С. Исмоилов иштирок этди.

У. АДИЛОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Мақсад – экологик маданиятни юксалтириш

Пойтахтимизда Ўзбекистон Экологик ҳаракати ташаббуси билан Конституциямиз қабул қилинганнинг йиғирма йиллигига бағишлаб «Атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг конституциявий асослари» мавзусида давра сужбати ўтказилди.

### Тадбир

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари, эколог-олимлар, Экоҳаракат «Ёшлар қаноти» фаоллари, ушбу йўналишда фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Таъкидландики, Асосий Қонунимизда мамлакатимизда барча табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш алоҳида моддалар билан мустақамлаб кўйилган. Хусусан, унинг 50-моддасида

«Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар», 55-моддасида «Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасида» деб қайд этилган. 100-моддасида эса маҳаллий давлат ҳокимияти органларига атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ваколати берилган. Буларнинг бари, ўз навбатида, фуқаролардан ер, сув, ўрмон, ер ости бойликлари,

ҳайвонот олами ва ўсимликлардан, бошқа табиий захиралардан оқилона фойдаланишни, ўзлари учун белгиланган мажбуриятларга тўла амал қилишни талаб этади. Қолаверса, бундай вазифалар экологияга оид 40 га яқин қонунларда ўз ифодасини топганлиги ҳам эътиборга лойиқ. «Ер кодекси», «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»-ги, «Ер, ер ости бойликлари, сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»-ги, «Ер ости бойликлари тўғрисида»-ги, «Ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»-ги, «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»-ги, «Радиация хавфсизлиги тўғрисида»-ги, «Муҳофаза этилаётган табиий ҳудудлар тўғрисида»-ги каби қонунлар шулар жумласидандир.

(Давоми 2-бетда).

(Давоми 2-бетда).

### Анжуман

Бугунги кунда мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислохотлар самараси барча жабҳада ўз аксини топмоқда. Хусусан, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги ижобий ўзгаришлар қулай тадбиркорлик муҳитини яратиш, хизмат кўрсатишни такомиллаштириш, бошқарув тизимини замонавий технологиялардан унумли фойдаланиш имконини бераётти.

## Ягона ойна маркази

интерфаол хизматлар кўламини кенгайтиради

Буни ягона ойна марказлари фаолияти мисолида яққол кўриш мумкин.

Дарҳақиқат, Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 23 августдаги «Давлат ва ҳужалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, юридик ва жисмоний шахслар билан

ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарорига мувофиқ, шундай марказлар ташкил этилиб, уларда интерфаол давлат хизматлари кўрсатилмоқда. Бу эса, табиийки, жисмоний ва юридик шахсларга кўплаб қулайликларни яратаяпти.

(Давоми 2-бетда).

### Темир йўл соҳаси:

## Модернизация ва янги лойиҳалар самараси

2012 йилнинг тўққиз ойида мамлакатимизда темир йўл соҳасини модернизация қилиш ва янада ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида

**205,3** миллион АҚШ долларига тенг капитал кўйилмалар ўзлаштирилди.

Бу эса 186 километрлик темир йўлни қайта тиклаш, «Мароқанд – Қарши» ва «Қарши – Термиз» темир йўл участкаларини электрлаштириш, шунингдек, замонавий юк ва йўловчи ташиш вагонлари тайёрлаш ҳамда йўловчи локомотивлари харид қилиш орқали хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтириш имконини берди.

Бир рақам шарҳи

(Давоми 2-бетда).



## Кортрейкда Ўзбекистон тақдироти

Бельгиянинг Кортрейк шаҳри маданият марказида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганнинг 20 йиллигига бағишланган тақдирот маросими ҳамда унинг доирасида «Мустақам оила йили» мавзусидаги суратлар кўргазмаси бўлиб ўтди.

### Дунё нигоҳи

Маъмур тадбир Ўзбекистоннинг Брюсселдаги дипломатия миссияси ва Бельгиянинг «Spoetnik» хорижий мамлакатлар билан алоқалар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тақдирот чоғида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар ҳаётининг барча соҳалари ҳуқуқий бошқарилишини ўзда мужассамлаштирган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий мазмунини ҳамда юртимизнинг истиқлол йилларида қўлга киритган муваффақиятлари хусусидаги атрофлича маълумотлар Бельгия ва Нидерландиянинг расмий, ишбилармон доиралари ҳамда жамоатчилик вакиллари эътиборига ҳавола қилинди.

Тадбирда алоҳида таъкидланганидек, Ўзбекистоннинг мустақил тараққийоти давомида мамлакат парламентининг, сиёсий партиялар, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш идоралари, оммавий ахборот воситаларининг ўрни мустақамланган баробарида уларнинг аҳамияти ҳам ошди.

Шунингдек, «Мустақам оила йили» Давлат дастури доирасида ҳаётга татбиқ этилаётган чора-тадбирлар ва мамлакатимизнинг бой маданий-тарихий мероси ҳамда улкан сайёҳлик салоҳиятига доир маълумотлар ҳам тақдирот катнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

(Давоми 2-бетда).

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Этариборлиси, янгиланишлар жараёни бугунги кунда ҳам изчил давом эттирилмоқда. Олий Мажлис Сенатининг ўинчи ялли мажлисида Конституциямизда фуқароларнинг кафолатлаб қўйилган ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга қаратилган бир қатор қонунлар муҳокама этилиши кутилаётгани фикримизнинг яққол тасдиғидир.

— Кўмитамиз йиғилишида Сенат ялли мажлиси кун тартибига киририлган бир қатор масалалар муҳокама қилинди, — дейди юқори палатанинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси аъзоси Х. Шодиева. — Чунончи, 2013 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури сенаторларнинг катта қизиқишига сабаб бўлди. Дарҳақиқат, кўмитамиз йиғилишида таъкидланганидек, аҳоли фаровонлигини жадал оширишда иш ўринларини ташкил этиш ва бандликни таъминлашга қаратилган дастур ижроси муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Бу, ўз навбатида, фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини таъминлаш, мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришга хизмат қилапти. Хусусан, 2012 йилнинг январь

— сентябрь ойларида республикамиз бўйича жами 773 мингта ёки белгиланганидан 28,5 мингта кўп иш ўрни барпо этилиб, тегишли Дастур параметрлари 103,8 фоизга бажарилди. Муҳим жиҳати, яратилган иш ўринларининг 62,9 фоизи қишлоқ жойларга тўғри келди. Жумладан, унда иш жойларининг

Сенаторнинг сўзларига қараганда, келгуси йилда юртимизда 970 мингдан ортиқ иш ўрни очилиши кўзда тутилмоқда. Бунда худудлар ва иқтисодиёт тармоқларининг ишлаб чиқариш имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш, аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини фаол қўллаб-қувватлаш, меҳ-

иктисодиётни эркинлаштириш, унинг тармоқларини модернизациялаш, техник ва технология янгиллаш, рақобатбардошлигини ошириш ҳамда диверсификациялаш борасида олиб борилаётган изчил ислохотлар ушбу Дастурнинг ҳаётга татбиқ этиш имкониятларини янада кенгайтиради.

қисқартиш учун бир қатор ишлар амалга ошириб келинаётир. Чунончи, 2011 — 2012 йиллар давомида 145 та рухсат бериш тартиб-таомиллари бекор қилинди. Бу эса тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятини амалга ошириши учун зарур шарт-шароитларни яратишда жуда катта аҳамият касб этди. Сенат ялли мажлисида муҳокама этилиши кутилаётган “Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонун ана шу мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Қонунда, айниқса, рухсат этиш хусуси-

## Мамлакатимизда: Воқеалар, янгиланган хабарлар

### ■ Бухоро

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда озиқ-овқат ва ноозик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш худудий дастури доирасида жорий йилнинг ўтган даврида Бухоро шаҳрида 41 лойиҳа амалга оширилди.

### Худудий дастур натижаси

Натижада 590 та иш ўрни яратилди. Ушбу мақсадлар рўёби учун 31,5 миллиард сўм ва 112,5 минг АҚШ доллари миқдорига маблағ йўналтирилди. Яқинда фаолият бошлаган “Дилқушоқ қурилиш” масъулияти чекланган жамияти — ана шундай лойиҳалар иштирокчиларидан бири. Қуруқ қурилиш қорилиши ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган мазкур корхонанинг зарур технологик линиялар билан жиҳозланишида банк томонидан ажратилган 250 миллион сўмлик имтиёзли кредит қўл келди.

**И. ИБРОХИМОВ,** «Халқ сўзи» мухбири.

### ■ Навоий

Хатирчи туманидаги “Солибобо” фермер хўжалиги қошида гўшт маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган технологик линия фойдаланишига топширилди. Лойиҳа қиймати 170 миллион сўмлик мазкур кичик корхона Италия, Германия каби ривожланган давлатлардан келтирилган замонавий технологиялар билан жиҳозланган.

### Фермернинг қўшимча тармоғи

— Хўжалигимизда 160 бош зотдор қорамол парвариш қилинаёпти, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Абдуғани Эшонкулов. — Ўтган йили хориждан келтирилган қарий 30 бош қорамолдан олинган наслдан бўрдоқчиликни йўлга қўйдик. Ҳозир автоматлаштирилган дастгоҳларимиз ёрдамида кунига бир тоннадан ортиқ гўштни қайта ишлаяпти. Келгусида маҳсулотимиз турини янада кўпайтириш ҳамда сўт маҳсулотларини қайта ишлашни ҳам йўлга қўйишни режалаштирганмиз.

**А. ЗАРИПОВ,** «Халқ сўзи» мухбири.

### ■ Сурхондарё

Вилоятда жорий йилда Бандлик дастури доирасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида 24,6 мингта иш ўрни яратиш назарда тутилган.

### «Катта ҳаёт»да кичик корхона

Шу мақсадда асосий эътибор қишлоқ жойларда янги-янги ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этишга қаратилмоқда.

Шеробод туманидаги “Барот Қўзиёв” хусусий корхонаси раҳбари, тадбиркор Иброҳим Қўзиёв, масалан, Катта ҳаёт маҳалласида тикувчилик цехини ишга тушириб, 10 нафардан зиёд маҳаллий хотин-қизларни иш билан таъминлади. Мазкур лойиҳа банк томонидан ажратилган 50 миллион сўмлик кредит ҳисобига амалга оширилди. Айни пайтда бу ерда турли дизайнли либослар, чойшаб ва ёстиқ жилдлари тайёрланапти.

**Н. ТЕМИРОВ,** «Халқ сўзи» мухбири.

### ■ Тошкент вилояти

Ангрен шаҳрида жорий йилнинг тўққиз ойида 8 та ишлаб чиқариш субъекти фаолият бошлади. Эътиборлиси, уларнинг аксариятида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрланиб, ички бозорга чиқарилмоқда.

### Буюртмачилар мамнун

Шулардан бири “Ангрен электроизолит” масъулияти чекланган жамиятидир. Бу ерда энергетика ва электрокоммуникация тармоқларида кенг фойдаланиладиган фарфорли изоляция маҳсулотлари тайёрлаш ўзлаштирилди. Мазкур лойиҳа жамиятнинг 108 миллион сўмлик маблағи ҳисобидан рўёбга чиқарилди. Корхонада йилга умумий қиймати 300 миллион сўмлик 60 минг жуфт маҳсулот тайёрлаш имкони мавжуд. Энг муҳими, ҳозирданок унинг маҳаллий хом ашёдан тайёрланаётган сифатли, пишиқ ва нисбатан арзон маҳсулотларига тизим корхоналари ва тадбиркорлик субъектларидан тушаётган буюртмалар ҳажми тобора ортиб бормоқда.

**Ф. ШЕРАЛИЕВ,** «Халқ сўзи» мухбири.

### ■ Қашқадарё

Косон туманидаги нон ва нон маҳсулотлари тайёрлашга мўлжалланган “Косон капитал инвест” масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқариш жараёни модернизация қилиниб, янги инновацион технологиялар жорий этилди.

### Қувват уч баробарга ортди

Пировардида корхона қуввати уч баробарга ортди. Шунингдек, қўшимча 5 та иш ўрни яратилди. Жамиятда амалга оширилган бу ўзгаришлар учун 70 миллион сўм сарфланди.

**А. МУҲАММАДИЕВ,** «Халқ сўзи» мухбири.

# Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш — устувор вазифа

қарийб ярми кичик корхоналар ва микрофирмалар томонидан ташкил этилиши, яқка тартибдаги тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш, пудрат асосидаги қурилиш, шу жумладан, уй-жойларни таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишлари кўламини кенгайтириш, аҳолини турли шаклдаги касаначилик ишларига жалб этиш, халқ хунармандчилигини ривожлантириш, оилавий тадбиркорликни рағбатлантириш каби бандликни таъминлашнинг амалда ўзини оқлаган асосий йўналишлари орқали амалга оширилишида ўз ифодасини топган.

нат ресурсларини оқилона ишга солиш механизмларини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Шу билан бир қаторда, кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил қилиш ҳамда кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни юксалтириш ҳисоби 485,6 мингта иш жойи ташкил этиш назарда тутилган. Жумладан, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш эвазига кичик бизнес субъектларида 267,1 мингта яқка тартибдаги тадбиркорликни янада раванқ топтириш ҳисобига эса 117,7 мингта иш ўрни барпо этилади. Умуман, республикамизда

— Маълумки, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятини рағбатлантириш мамлакатимиз иқтисодий тараққиётининг асосий омилларидан бири бўлмоқда, — дейди Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитаси аъзоси Қ. Эргашев. — Тадбиркорлик фаолияти чекланишига, бошқарув тузилмаларининг ишбилармонлар фаолиятига асосан аралашуви олиб келадиган давлатнинг бизнесдаги ортиқча иштирокини қайтариш мақсадида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида турли бюрократик тўсиқларни

— Маълумки, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятини рағбатлантириш мамлакатимиз иқтисодий тараққиётининг асосий омилларидан бири бўлмоқда, — дейди Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитаси аъзоси Қ. Эргашев. — Тадбиркорлик фаолияти чекланишига, бошқарув тузилмаларининг ишбилармонлар фаолиятига асосан аралашуви олиб келадиган давлатнинг бизнесдаги ортиқча иштирокини қайтариш мақсадида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида турли бюрократик тўсиқларни

**Қобил ХИДИРОВ.**

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Пойтахтимизда Ўзбекистон Савдо-саннат палатаси томонидан БМТ Тараққиёт дастурининг “Ўзбекистонда бизнес форуми (2-фаза)” лойиҳаси доирасида ташкил этилган давра суҳбатида ягона ойна марказининг афзалликлари, унинг кўламини кенгайтириш масалалари ҳақида сўз борди.

## Ягона ойна маркази интерфаол хизматлар кўламини кенгайтиради

Таъкидланганидек, ягона ойна марказларининг устун жиҳатлари кўп. Гап шундаки, ушбу тизим орқали аҳоли ва ташкилотларга бир қанча давлат ва жамоат хизматлари бир жойда кўрсатилади. Бундан ташқари, фуқаролар томонидан хужжатлар марказга тақдим этилади, холос. Улар идоралараро ахборот алмасишувида иштирок этмайдилар. Буларнинг барчаси ягона ойна технологиялари асосида марказ томонидан амалга оширилади. Бу эса, ўз навбатида, фуқароларга зарур маълумотлар олиш ва бошқа хизматлардан фойдаланишларида вақтни тежаш баробарида, ортиқча расмийчилик ҳолатларини қисқартиришга ёрдам беради. Айни пайтда Ўзбекистонда ягона ойна марказларини яратиш концепцияси лойиҳаси устида иш олиб борилаёпти.

— Ягона ойна тизими замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ютуқларига асосланган бўлиб, уни йўлга қўйиш учун идоралараро ҳамкорлик инфратузилмасини ривожлантириш тақозо этилади, — дейди лойиҳа эксперти Баҳодир Беков. — Чунки интерактив хизматлар кўрсатиш учун йигирмадан ортиқ давлат муассасаси жалб қилинади. Бу, айниқса, тадбиркорлик субъектлари учун яна бир қулайлик бўлиб, уларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини оширади.

Давра суҳбатида республикамизнинг барча худудларида ягона ойна марказларини ташкил қилиш, интернет ва ахборот-коммуникация технологиялари ютуқларидан умумий фойдаланиш масалалари ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

**Саид РАҲМОНОВ,** «Халқ сўзи» мухбири.

## Баркамол авлод — юрт истиқболи

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

— Мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган юксак эътибор кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшади, — дейди жиззахлик ёш тадбиркор, “Ўзбекистон белгиси” кўрак нишон соҳиби Севара Очилова. — Масалан, менинг ўзим касб-хунар коллежини битиргач, тикувчилик йўналишида тадбиркорликни бошладим. “Ташаббус — 2011”

кўрик-танловининг вилоят босқичида “Энг ёш тадбиркор” номинацияси голиби бўлдим. Ҳозир ўзимнинг тикувчилик цехим бор. 40 нафар коллеж битирувчисини иш билан таъминлаганман. Қолаверса, кам таъминланган оила фарзандлари ва уй бекаларига ҳам хунар ўргатаёпмиз. Мақсади-миз, бизга билдирилган ишонччи оқлаб, маҳсулотларимизни “Ўзбекистонда ишлаб чиқарил-

ган” белгиси билан жаҳон бозорига чиқариш. «Ўзбекистон белгиси» кўрак нишони совриндорлари юртимизда ёшлар камолоти йўлида кўрсатилаётган доимий эътибор ва ғамхўрлик учун миннатдорлик билдириб, Ватанимиз раванки, халқимиз фаровонлиги йўлида астойдил хизмат қилишларини таъкидладилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Иқромов иштирок этди.

**М. ХОЛМАТОВА.**

## Мақсад — экологик маданиятни юксалтириш

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Эътиборлиси, Конституциямиз асосида қабул қилинган қонунларда инсоннинг яшаши учун қулай табиий муҳит шарт-шароитини яратиш масаласи ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланганиги диққатга сазовордир.

Шу билан бирга, тадбирда Асосий Қонуни-миздаги бу каби талабларни аҳоли, айниқса, ёшларимиз онгига синг-

дириш ва унда белгиланган мажбуриятларни бажаришга кўмаклашиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилиши баробарида, “Конституция — тараққиётимизнинг ҳуқуқий кафолати”, “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — экологик барқарорлик гарови”, “Конституция ва баркамол авлод тарбияси” каби мавзуларда маърузалар тингланди.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,** «Халқ сўзи» мухбири.

# Нақшинкор гиламлар жилоси

Юртимизда хоржий сармоядорлар учун яратиб берилган қулай ишбилармонлик муҳити туфайли маҳаллий тадбиркорларимиз томонидан ишлаб чиқарилаётган рақобатбардош маҳсулотлар тури кўпайиб бормоқда. Натижада иқтисодиётимизнинг барқарор ривожини таъминлаши баробарида, ташқи бозордаги ўрнимиз ва нуфузимиз тобора мустаҳкамланаётир.

### ■ Модернизация

Хоразм вилоятида ҳам бу борада салмоқли ютуқлар қўлга киритилмоқда. Кейинги беш йил мобайнида худудда саннат соҳасида 40 фойздан зиёд ўсишга эришилгани бунинг тасдиғидир. Хусусан, енгил саннат ривожига “Богот текстиль”, “Котонтекс”, “Даритал текстиль”, “Жилосун”, “Коботекс” ва “Ўзтех Шовот” каби корхоналарнинг ҳиссаси катта бўлди.

Урганч шаҳрида фаолият кўрсатаётган масъулияти чекланган жамият шаклидаги “Гиламчи карпет” қўша корхонаси ҳам шундай ишлаб чиқариш субъектларидан биридир. 2009 йилда иш

бошлаган мазкур корхона цехлари хориждан 400 минг АҚШ доллари эвазига келтирилган замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган. Ҳозир бу ерда 3 хил турдаги кўрак гиламлар ишлаб чиқарилаёпти. Жорий йилнинг ўтган даврида корхонанинг 21 нафар жамоаси томонидан 650 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берилди. Яқин вақт ичида корхо-



нада модернизация ишлари амалга оширилиши кўзда тутилмоқда. Бу эса янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ҳамда

ўнга яқин иш ўринлари яратилишига хизмат қилади.

**Ойбек РАҲИМОВ,** «Халқ сўзи» мухбири. **Ҳасан ПАЙДОВ** олган сурат.

# Кортрейкда Ўзбекистон тақдироти

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

“Spoetnik” хорижий мамлакатлар билан алоқалар уюшмаси президенти Бетти Лапорте Бельгиянинг Ўзбекистон билан, шу жумладан, шериклик алоқалари йўлга қўйилганига 20 йилдан ошган Кортрейк ва Тошкент шаҳарлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар ривожини ижобий баҳолади. Б. Лапорте хонимнинг

қайд этишича, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда кенг кўламли ўзгаришлар рўй берди. “Мустақил Ўзбекистон Конституцияси мамлакат халқи барпо этаётган демократик давлатга ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда”, деди у. “Мустаҳкам оила йили” мавзусига бағишланган суратлар кўргазмасида эса юртимиз заманининг гўзаллиги ва бойлиги, мусаффо ат-

роф-муҳити, мамлакатимизнинг Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз сингари шаҳарларида жойлашган ноёб маданият ва меъморчилик ёдгорликлари ўз аксини топди. Таниқли ўзбек фотографининг шу соҳага оид ижодий намуналари билан бир қаторда, халқ амалий санъати усталари томонидан яратилган миллий хунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаси ҳам тадбир ишти-

рокчиларида унутилмас таассурот қолдирди.

Кортрейк шаҳар мэрияси вакиласи Катлин Ван Ломбемек хоним мамлакатимизнинг сўнгги йилларидаги тараққиёти жаранларини диққат билан кузатиб бораётганини маълум қилди. “Ўзбекистоннинг жамиятини демократлаштиришга, иқтисодиётни модернизациялаш ва либераллаштириш, шунингдек, таълим, соғлиқни сақ-

лаш ва ижтимоий ҳимоя тизимларини такомиллаштиришга йўналтирилган саъй-ҳаракатлари алоҳида эътиборга моликдир”, деди у. Ломбемек хонимнинг билдиришича, мазкур шаҳар аҳолиси ўзаро танишув ташрифлари, кўргазмалар, концерт ва илмий-амалий конференциялар ташкил этилиши йўли билан Кортрейк ва Тошкент ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш гоёсини қўллаб-қувватлайди.

**«Жаҳон» АА,** Кортрейк шаҳри, Бельгия

**Интилиш**

Транспорт-коммуникация тизими инсон танасини қон билан таъминлайдиган ҳаётбахш томирларга ўхшатилади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки бугунги кунда ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий ривожига ҳамда шахарлар ва аҳоли пунктларини магистрал коммуникацияларнинг кенг тармоғисиз тасавур этиб бўлмайди. Шу боис республикамизнинг барча ҳудудларини ишончли равишда боғлайдиган, минтақавий ва жаҳон бозорларига чиқиш имконини берадиган йўллар қуриш ҳамда реконструкция қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**Замонавий иншоотлар**  
она диёримиз кўркига кўрк қўшмоқда



Бундай лойиҳаларни амалга оширишга "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик темир йўл компаниясига қарашли Кўприк қурилиш трестининг 13-кўприк қурилиш отряди меҳнат жамоаси ҳам салмоқли ҳисса қўшмоқда.

— Жамоамиз бир тану бир жон бўлиб, бутун салоҳияти ва қуч-ғайратини иқтисодиётимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигига қаратилган истиқболли лойиҳаларни амалга оширишга сарфламоқда, — дейди мазкур қурилиш ташкилоти раҳбари, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи Абдулла Юсупов. — Натижада юртимиз бўйлаб кўплаб мустақкам ва замонавий иншоотлар барпо этилмоқда. Биргина 2012 йилнинг 9 ойи мобайнида 20 миллиард сўмлик (қўшимча қиймат солиғи билан) қурилиш-монтаж ишлари бажарилиб, ўнлаб кўприк ва иншоотлар бунёд қилингани шундан далolat беради.

Замонавий Буюк Ипак йўлининг тикланишида Урганч билан Беруний шаҳарлари ораллигидан ўтувчи Амударё устига қурилган кўприк беқиёс аҳамиятга эга. Бундай иншоот-

ни аждодларимиз қадим-қадимдан орзу қилиб келишган. Бу азалий ният мустақиллик шарофати билан рўёбга чиқди. Мазкур ноёб иншоотнинг узунлиги 680 метрни ташкил этади. Кўприксозлар уни қуришда энг замонавий қурилиш техника ва технологияларидан самарали фойдаланишди.

Юртимизга келаятган сайёҳларда "Тошкент — Самарқанд" темир йўл линиясида юқори тезликда ҳаракатланадиган "Афросиёб" поезди қатнови катта таассурот қолдирмоқда. Унинг йўлга қўйилишида 13-кўприк қурилиш отрядининг муносиб улуши борлиги жамоага доимо фахр-ифтихор туйғусини бағишлайди. Гап шундаки, кўприксозлар томонидан мазкур йўналишдаги темир йўл бўйлаб 20 та темир-бетон ва 2 та темир кўприк қурилди. Шунингдек, Жиззах станциясида пиёдаларга қулайлик яратиш мақсадида темир йўл устидан ўтувчи 75 метр узунликдаги кўприк барпо этилди.

Бундай бунёдкорлик ишлари мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари, хусусан, пойтахтимиз — Тошкент шаҳрида ҳам бажарилмоқда. Масалан, "Салор" кўприги қисқа муддат ичида қайта таъмирланган бўлса, "Салор — Чуқурсой" темир йўл участкасида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида икки кило-

метрик тўсиқ девор қуриш ишлари жадал давом эттириляпти. Шу билан бирга, айни пайтда халқаро автомобиль магистралининг "Чилонзор" буюм бозоридан ўтувчи қисмида, аниқроғи, "Абу Сахий" ва "Бек Барака" савдо мажмуалари ўртасида пиёдалар учун ер ости йўлаги қури-

лаяпти. Узунлиги 92 метр, эни 12 метр бўлган ушбу иншоотнинг фойдаланишга

Ишчи-хизматчиларнинг моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилиши меҳнат унумдорлигининг ошиши, иш сифати тобора яхшиланишида ҳал қилувчи омил бўлаяпти. Хар бир объектни сифати ва мустақкам қилиб барпо этиб, ўз вақтида фойдаланишга топшираётган кўприксозлар мўмай даромад ҳам топишапти. Бу, ўз навбатида, уларнинг касбига бўлган меҳрини қучайтириб, эртанги кунга ишончини ортирмоқда.

Ҳанифа ШАМШИЕВА.

топширилиши йўловчилар учун қулайлик яратиш баробарида ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади, албатта.

Таъкидлаш керакки, Кўприк қурилиш трестига қарашли 67, 14, 13-кўприк қурилиш отрядлари маъмурияти жамоат ташкилотларига таяниб, ходимларнинг касбий малакаларини ошириш ва ҳар бир иш жойида қатъий интизом ўрнатиш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу жараёнда "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик темир йўл компанияси томонидан ўтказиладиган турли кўрик-танловлар, айниқса, қўл келаяпти. Негаки, ушбу тадбирлар ходимларнинг жорий этилаётган янги техника ва ускуналарни қисқа фурсатларда мукамал эгаллаб олишга қизиқшини янада қучайтираяпти. Натижада бу йилги кўрик-танловда пўлат ва темир-бетон конструкциялар монтажчиси М. Шерматов, арматурачи В. Сергеева, электргазпайвандчи А. Сотиболдиев голиб чиқиб, "Ўз касбининг энг яхши устаси" деб эътироф этилди. Пайвандчи А. Сотиболдиевга "Фахрий темир йўлчи" унвони берилди. Ғайратли, шижоатли ва ташаббускор ишбоши К. Пенъковнинг хизматлари эса барчага ибрат сифатида кўрсатилмоқда. Сабаби, у мустақиллигимизнинг 21 йиллиги арафасида давлатимизнинг юксак мукофотларидан бири — "Шуҳрат" медали билан тақдирланди.

**НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ**  
*жамоаси*

*барфа юрпдошларимизни*  
*Ўзбекистон Республикаси*  
*Конституцияси қабул қилинганлигининг*

**20 йиллиги**  
*билан самимий табриқлайди!*

**Ҳаётимизнинг Асосий Қонуни**  
**ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги**  
**ислохотларни амалга оширишимизнинг**  
**мустақкам заминидир.**

*Барганимизга тансиҳатлик-топишмалик,*  
*оплавий бахт, ҳонажон Ватанимиз*  
*гуллаб-яшнаши йўлидаги ишларини*  
*улкан Зафарлар тилаймиз!*

**«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ**  
2013 йил 10 январь кунини бошлангич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темури шохқўчаси, 16-«А» уйда жойлашган, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси балансидаги, 2004 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/062DCA, бошлангич нархи 59 058 000 сўм бўлган «NISSAN MAKSIMA», 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/129EBA, бошлангич нархи 15 307 200 сўм бўлган «ДЭУ СУПЕР САЛОН» русумли автотранспорт воситалари қўйилади.

Тўловлар нақд пул шаклида ёки ҳисоб рақамидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунинда сотилмаган тақдирда, улар навбатдаги ҳафталарнинг пайшанба кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига қўйилади. Ушбу автотранспорт воситаларига қизиқиш билдирган талабгорлар уларнинг ҳолати билан сотувчи ташкилотнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишишлари мумкин.

**Аукцион савдоси соат 15.00 да бошланади ва кўйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темури шохқўчаси, 16-«А» уй, Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси биноси, 3-кават, 307-хона (мажлис зал).**

**Мурожаат учун тел./факс: (8-371) 233-23-40. Электрон почта: TUAS\_MCHJ@mail.ru**

Шунингдек, «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ томонидан 2012 йил 22 ноябрь кунини ўтказилган аукцион савдоси натижасига кўра, «Grand Mir» МЧЖ қўшма корхонаси балансидаги, давлат рақами 10AP622 бўлган «ГАЗ-31105» автотранспорт воситаси 14 000 000 сўмга сотилганлиги маълум қилинади.

Гувоҳнома № 005357

**«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» ЁАЖ**  
бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 майдаги 153-сонли қарорига мувофиқ, «O'zbekiston Respublikasi To'vay-xomashyobirjasi» ОАЖнинг 2012 йил 14 сентябрдаги 97-П-сонли буйруғига асосан, «O'zbekiston Respublikasi To'vay-xomashyobirjasi» ОАЖга тегишли, Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 77-уйда сақланаётган, «Митсубиси Галант» русумли, 2008 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01-305 ВАА бўлган автотранспорт воситаси такроран қўйилмоқда.

**Бюджет баҳоси — 40 178 113 сўм.**

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати — 2012 йил 18 декабрь кунини соат 18.00.

Юқоридаги автотранспорт воситаси 2012 йил 20 декабрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2012 йил 27 декабрь ва 2013 йил 4 январь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2012 йил 27 декабрдаги такрорий савдо учун — 2012 йил 25 декабрь кунини соат 18.00, 2013 йил 4 январдаги савдо учун — 2 январь кунини соат 18.00.

Савдо голиби, деб топилган шахсга 10 иш кунини ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Юқоридаги автотранспорт воситасининг аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Respublika Mulk Markazi» ЁАЖнинг ОАИТВ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги кўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани, 1-Қорақамиш к., 1-«А» уй. Телефон: (8-371)228-79-52.**

**САНОАТ КОРХОНАСИ**

нондарт жиҳозларни монтаж қилиш учун монтажчилар бригадасини, шунингдек, умумий қурилиш ишлари бўйича иш юритувчи (прораб)ларни, электргаз пайвандчиларни ва умумий қурилиш ишчиларини

**ДОИМИЙ ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.**

**Иш ҳақи — ишбай, тўлов ўз вақтида амалга оширилади.**

**Ишчилар бепул овқат ва транспорт билан таъминланади.**

**Тошкент вилоятининг Чимён тоғли ҳудудида болалар соғломлаштириш оромгоҳи мавжуд.**

Мулоқот учун телефонлар:  
**(8-371) 241-10-81, 241-29-94, (+99890) 929-55-97, (+99890) 167-17-58.**

Ўзингиз ҳақингизда маълумотларни қўйидаги электрон манзилга жўнатишингиз мумкин: **d\_kolov@mail.ru**

**КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

**НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ**

**Қўйидаги иншоотларга танлов савдоси ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

1. Наманган вилояти, Янгикўрғон шаҳарчасидаги Янгикўрғон тумани тиббиёт бирлашмаси биносини мукамал қайта қуриш (2-босқич)

**Объектнинг бошлангич нархи:**  
— ҚҚС билан 5 521 209 113 сўм;  
— ҚҚСиз 4 601 007 594 сўм.  
**Яқинлаш мuddати — 330 кун.**

2. Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани, Тўрақўрғон шаҳридаги 28-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби қурилиши.

**Объектнинг бошлангич нархи:**  
— ҚҚС билан 2 213 374 093 сўм;  
— ҚҚСиз 1 844 478 410 сўм.  
**Яқинлаш мuddати — 210 кун.**

**Буюртмачи:** Наманган шаҳри, Амир Темури кўчаси, 105-уйда жойлашган Наманган вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи» инжиниринг компанияси. Телефонлар: (8-369) 226-22-60, 233-06-11.

Лойиҳани молиялаштириш Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Диққат! Танлов савдолари (тендерлар)ни ўтказишда бошқа тенг шарт-шароитларда кичик бизнес субъектлари афзалликка эга ҳисобланади.**

Талабгор сифатида қатнашувчи корхона ва ташкилотлар қўйидаги талабгорга жавоб беришлари керак: танлов савдо предметининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги айланма маблағга ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига, мутахассисларнинг мавжудлигига, танловдаги иншоотга ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасига эга бўлган, ётарли касбий, техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик муомала, ҳуқуқий лавкат ва ваколатларга эга, тажрибали ҳамда ишончли бўлишлари шарт.

Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлов савдоларида қатнашаётганда, танлов тақлифларини баҳолашда маҳаллий талабгорларда қўйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади: қатнашчиларнинг тижорат тақлифларини тенг шартларга келтириш мақсадида улар буйича қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчи қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган тендер тақлифлари қатнашчиларнинг тендер тақлифларининг баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўронома билан савдо ташкилотчиси — Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилояти ҳудудий консалтинг марказига қўйидаги манзил буйича мурожаат қилиш мумкин:

**Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 22-уй. Тел./факс: (8-369) 226-14-50, 226-47-91.**

Танлов ҳужжатларининг битта нусخаси нархи — 100 000 сўм.

Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

**Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишининг охири мuddати — оферталарни очиб кўриш ва саоти.**

Тақлифлар эълон матбуотда чоп этилган санадан бошлаб ўттиз кундан кейин қўйидаги манзилда очилади: Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 22-уй.

**«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ЭЪЛОНЛАР**  
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача  
**232-11-15, 236-09-25.**  
E-mail: reklama@xs.uz

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти жамоаси институт директори, тарих фанлари доктори Равшан Абдуллаевага волидаи муҳтарамаси

**ГУЛЧЕХРА аянинг**  
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



Кеча пойтахтимиз мезбонлик қилган Халқаро шахмат федерацияси — FIDE Гран-присининг иккинчи босқичи учрашувлари якунланди. Халқаро шахмат федерацияси (FIDE), "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ва мамлакат Шахмат федерацияси билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу беллашуларда дунёнинг энг кучли 12 нафар гроссмейстери қатнашди.

## Қизгин баҳслар, ёркин таассуротлар

Унда юртимиз шарафини ҳимоя қилган 17-жаҳон чемпиони, XVI Осиё ўйинлари ғолиби Рустам Қосимжонов нуфузли мусобақада маглубиятсиз донна сурган ягона шахматчи сифатида тан олинди. Гап шундаки, ушбу турнир давомида вақилимиз 10 учрашувда дуранг кайд этган бўлса, бир партиядо муваффақиятга эришди. Сунгги турда у жаҳон кубоги соҳиби Борис Гельфанд (Исроил)га қарши баҳс олиб бориб, дуранг ўйнади.

11-тур доирасидан ўрин олган Леньер Домингес Перес ва Гата Камский ўртасидаги учрашувда кубалик шахматчи ғалаба қозонди. Бу Переснинг Тошкент Гран-присидаги биринчи муваффақияти ҳисобланади. Ванг Хао эса Лондон-



да бўлиб ўтган биринчи босқичда энг кўп (етти) очко жамғарган Шахриёр Мамедъяровдан устун келди. Шунингдек, Сергей Карякин ҳам украиналик

Руслан Пономарёв устидан ғалабага эришди. Пётр Свидлер — Александр Морозевич, Петер Лекко — Фабиано Каруана ўртасидаги партиядарда

эса ғолиб номи аниқланмади.

Шу тарихда турнир давомида Александр Морозевич, Сергей Карякин ва Ванг Хао 6,5 тадан очко тўплаб, пешқадам бўлишди. Рустам Қосимжонов, Шахриёр Мамедъяров, Фабиано Каруана 6 тадан очко жамғарди. Кейинги ўринларни Руслан Пономарёв, Пётр Свидлер ҳамда Петер Лекко (5,5 очкодан), Борис Гельфанд (4,5 очко), Леньер Домингес Перес (4 очко), Гата Камский (3,5 очко) эгаллади.

Халқаро шахмат федерацияси — FIDE Гран-приси учинчи босқичи келгуси йили Португалиянинг Лиссабон шаҳрида ўтказилади.

Фазлиддин АБИЛОВ.



### «ТОШРАНГМЕТЗАВОД» ОАЖ

ЖАМОАСИ

юртимиз ахлини

Мустанкил Ўзбекистонимизнинг Ассий Кошуни

— Конституция қабул қилинган кунининг

## 20 ЙИЛЛИГИ

билан муқаббат эстади!

Мамлакатимизда адолат ва қонун

устуворлиги тантана қилаётган

ҳозиргидек бир даврда

республикаимизнинг барча аҳолисига

сиҳат-саломатлик, оилавий бахт ҳамда

фаровонлик тилайди!



# ШҲРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ

ЖАМОАСИ

Меҳнатсевар халқимизни Ўзбекистон Республикаси  
Конституциясининг 20 йиллиги билан ён дилдан пабриклайди!



Баргана пинълик-омонлик, хонадонларига кўп-баракка,  
эзу ва хайрли ишларида омадлар тилайди.

### ОБ-ҲАВО

(5 декабрь)

Қорақалпоғистон Республикаси  
ва Хоразм вилоятида

-3 +2 +11 +16

Бухоро ва Навоий  
вилоятларида

0 +5 +13 +18

Тошкент, Самарқанд, Жиззах  
ҳамда Сирдарё вилоятларида

+2 +7 +12 +17

Қашқадарё ва Сурхондарё  
вилоятларида

+2 +7 +15 +20

Андижон, Наманган ҳамда  
Фарғона вилоятларида

-2 +3 +10 +15

Тошкент  
шаҳрида

+4 +6 +15 +17

Халқ сўзи  
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1254. 58 889 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.

Таҳририятта келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.  
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.  
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.  
Навбатчи — Ю. Бўронов.  
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:  
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.45 Топширилди — 22.50 1 2 3 4 5